



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2021 йил май ойининг 24 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси Самарқанд шаҳар “Оби Раҳмат” номли маҳалла фуқаролар йиғини биносидида бўлиб, раислик қилувчи судья Ф.Саматов, судья ёрдамчиси Ғ.Бўроновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Султонов, судланувчи А.Т. ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат И.Джаббаров, жабрланувчи А.Сабиоровларнинг иштирокида, А.Т.га нисбатан №1-1401-2107/326-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

А.Т. [Redacted]
1966 йил 2 май куни Самарқанд туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам жиноят ишлари бўйича собиқ Боғишамол туман судининг 2002 йил 04 февраль кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “р” банди билан 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 34-моддасига кўра, “ўта хавfli рецидивист” деб топилган, жазони тўлиқ ўтаб чиққан,

[Redacted], иш бўйича унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 20 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “к,л” бандлари билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :



Судланувчи А.Т., муқаддам ўта хавфли рецидивист деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган бўлишига қарамасдан, 2021 йил 03 январь куни соат тахминан 13⁰⁰ларда таниши Сабиров Амин Абдураззақовичнинг Самарқанд шаҳар, “Меҳнат” МФЙ, Гаспирали кўчаси 1-йўлак, 3-уйига бориб, у билан бирга спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, маст ҳолатда бир-бирлари билан ўзаро келишмовчиликлари натижасида жанжаллашиб қолишиб, жанжал давомида А.Сабировнинг бош, юз, бурун соҳаларига қасддан бир неча маротаба уриб, унга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.

РСТЭИАМ Самарқанд филиалининг 2021 йил 27 январь кунги 4/51-сонли эксперт хулосасида, А.Сабировнинг танасида яъни, бошининг пешона-тепа, иккала кўз қовоқлари, иккала яноқ, бурун ва лаб соҳалари юмшоқ тўқималари лат ейиши, иккала кўз, юқори ва пастки қовоқ, ўнг кулоқ, билак, ўнг билак-кафт буғими соҳаларида шилинмалар, бурун суяги, чап гаймар бўшлиғи олд ва орқа деворини синишлари каби жароҳатлар мавжуд бўлиб, бу жароҳатлар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги, жароҳатлар соғликнинг йигирма бир кундан кўп аммо бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига сабаб бўлиши, шунинг учун ўртача оғирликдаги шикаст гуруҳига киришлиги, жароҳатларнинг етказилган вақти 2021 йил 03 январь кунига тўғри келиши кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган А.Т., унга қўйилган айбловга тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам у Самарқанд шаҳарида жойлашган автомашиналарни ювиш шаҳобчасида ишлаб келишлиги, унинг муқим яшаш жойи йўқлиги, у муқаддам бир неча марта судланганлиги, охириги марта 2002 йилда ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “р” банди билан 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги, у 2019 йилнинг ноябрь ойида жазони тўлиқ ўтаб, озодликка чиққанлиги, у 2020 йилнинг сентябрь ойида даволаниш учун Жомбой туман Наркология деспансерига борган вақтида унга олдиндан нотаниш бўлган Самарқанд шаҳар, “Меҳнат” МФЙ, Гаспарали 1-йўлак, 03-уйда яшовчи Сабиров Амин Абдураззақович билан танишиб қолганлиги, шундан сўнг у 2021 йилнинг 3 январь кунида А.Сабировнинг яшаш уйига у билан янги йил байрамини нишонлашни мақсадида борганлиги, у ерда Амин бир ўзи эканлиги, яшаш уйида овқат тайёрлаб ўтирганлиги, шу вақти у чап елка соҳасини боғлаб олганлиги, у унга чап елкасига нима қилганлигини сўраганида, у унга 2021 йил 02 январь куни кўп спиртли ичимлиги истеъмол қилиб, яшаш уйининг ёнида жойлашган ҳожатхонага бораётган вақтида зина музлаганлиги сабабли ўзининг эҳтиётсизлиги натижасида йиқилиб тан жароҳати олганлигини, елка соҳасини байрам бўлганлиги учун шифохонага бориб кўрсатмаганлигини айтганлиги, шундан сўнг у Амин билан спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги, у маст бўлиб қолганлиги, шу вақти Амин унга ҳар хил



гапларни гапираверганлиги сабабли жаҳли чиқиб, у билан ўзаро тортишиб қолганлиги, у шу куни маст бўлганлиги сабабли ўзини бошқара олмасдан Аминнинг бош соҳасига ўтирган столи билан урганлиги, қўллари ва оёқлари билан унинг юз соҳасига бир неча маротаба урганлиги, шундан сўнг у Аминнинг яшаш уйидан чиқиб кетганлиги, кейин ИИБ ходимлари унинг ёнимга келиб, уни ИИБга олиб боришганлиги, ундан ҳолат бўйича тушунтириш хати олишганлиги, ҳозирги вақтда у қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, А.Сабиrowдан кечирим сўраганлигини, унга етказилган зарарни қоплаганлигини инобатга олиб, унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Сабиrow Амин Абдураззокович ўзининг кўрсатувларида, ҳақиқатдан ҳам у А.Т. билан 2020 йил сентябрь ойларида Жомбой туманида жойлашган Наркология деспансерида танишганлиги, ўша ерда у А.Т.нинг яшаш манзили бўлмаганлиги сабабли ўзининг яшаш манзилени унга айтиб, келиб туришини билдирганлиги, 2021 йил 03 январь куни соат тахминан 13⁰⁰ да яшаш уйида бир ўзи тушлик тайёрлаб ўтирган вақтида уйига таниши А.Т. меҳмондорчиликка келганлиги, А.Т. яшаш уйига келган вақтида, маст бўлганлиги, у ҳам А.Т. келишдан олдин уйида спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги, кейин у билан ҳам бирга спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги, шундан сўнг А.Т. уни яшаш уйидан кетишини айтиб, ҳақоратлаганлиги, у А.Т.ни яшаш уйидан чиқармоқчи бўлганида А.Т. дастурхонда турган ошхона идишлари билан унинг юз соҳаларидан уриб тан жароҳати етказа бошлаганлиги, у унга қаршилик кўрсата олмаганлиги, чунки 2021 йил 02 январь куни яшаш уйида спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги сабабли маст бўлиб, яшаш уйининг ҳовли қисмидаги ҳожатхонага зина орқали тушаётган вақтида ўзининг эҳтиётсизлиги натижасида зинага елка соҳаси билан йиқилиб, тан жароҳати олганлиги, А.Т. билан жанжаллашиб қолган вақтида у А.Т.га тан жароҳати етказмаганлиги, А.Т. уни юз, бош, кулоқ ва бурун соҳаларига қўллари ва ошхона буюмлари билан ўриб тан жароҳати етказганлиги, шундан сўнг у маҳалла профилактика инспекторини қўнғироқ қилиб чақирганлиги, сўнгра уни тез тиббий автомашинасида шифохонага олиб кетганлиги, бўлган ҳолат шулардан иборатлиги, у ҳозирда А.Т. билан ярашганлиги, унга етказган зарар тўлиқ қоплаганлиги сабабли унинг А.Т.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришликни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи А.Т.нинг ушбу жинойтни содир этганликдаги айби, ўзининг, жабрланувчининг кўрсатувларидан ташқари, иш ҳужжатларида мавжуд бўлган ариза, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, судга оид тиббий экспертизасининг хулосаси, сўроқ баённомалари, тушунтириш хатлари, суд қарорлари нусхалари, шунингдек жинойт ишида мавжуд бўлган бошқа бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топади.



Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Т.га қўйилган айбловни муҳокама қилиб, уни ўта хавфли рецидивист бўлган ҳолда илгари ЖКнинг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этиб, қасддан баданга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказганликда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “к,л” бандлари билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Т.нинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини ва қилмишининг оқибатларини англаб етганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жноятни спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда содир этганлиги ҳолатини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Т.га нисбатан жазо турини тайинлашда ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” – деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг айбига иқрорлигини, жиноят иши бўйича жабрланувчи деб эътироф этилган А.Сабировни унга нисбатан даъвоси йўқлигини, қилмишидан пушаймонлигини, моддий аҳволини, шунингдек жазони бошқа енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларининг мажмуини инобатга олиб, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашликни, унга нисбатан қўлланилган “тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда бекор қилишликни лозим топади.

Жабрланувчи А.Сабировга судланувчи А.Т.нинг жиноий хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд,-



ҲУКМ ҚИЛДИ:

Судланувчи А.Т. [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “к,л” бандларида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Унга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “к,л” бандлари билан 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи А.Т.ни яшаш жойидан кечқурун соат 22⁰⁰ дан эрталаб соат 6⁰⁰ гача чиқиши чеклансин.

Судланувчи А.Т.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига асосан:

- муайян жойларга бормаслик;
- уни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- алкаголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- Самарқанд вилоят ҳудудини тарк этмаслик каби қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

Судланувчи А.Т.нинг тақиқларга, (чеклашларга) риюя этиши устидан назорат олиб бориш Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ хузуридаги Пробация бўлинмаси ходимлари зиммасига юклатилсин.

Жазо ўташ муддати, судланувчи А.Т. жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи А.Т.га ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисми талаби, яъни жазони ўташдан бўйин товлаган ҳамда юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддати бошқа жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Судланувчи А.Т.га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги “тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи А.Собировга судланувчи А.Т.нинг жиноий хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.



Раислик қилувчи судья:

Ф.Саматов

Хужжат имзоланган: Саматов Фаррух Хасанович, 29.05.2021

